

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВА ДИЛНОЗА ТУРСУНПУЛАНОВА

**“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО” ТУРКУМИДАГИ ДОСТОНЛАРНИНГ
ҚИЁСИЙ-МАТНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Жумаева Дилноза Турсунпўлатовна

“Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг қиёсий-матний тадқиқи..... 3

Жумаева Дилноза Турсунпулатовна

Сопостовительно-текстологическое исследование дастанов цикла «Юсуф и
Зулейха»..... 27

Jumaeva Dilnoza Tursunpulatovna

Comparative textological research of dastans of the cycle “Yusuf and
Zuleikha” 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВА ДИЛНОЗА ТУРСУНПУЛАНОВА

**“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО” ТУРКУМИДАГИ ДОСТОНЛАРНИНГ
ҚИЁСИЙ-МАТНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.А.PhD/1072 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жабборов Нурбой Абдулҳакимович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шодмонов Нафас Намозович филология фанлари доктори Якубов Исламжон Ахмеджанович филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация химояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» декабрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (827 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «21» декабрь кuni тарқатилди.

(2020 йил «21» декабрь даги 24 рақамли реестр баённомаси).


Ш.С.Сирожиiddинов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.


З.Ш.Абдирашидов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси
Уринбосари, филол.ф.д., PhD, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон матншунослигида қўлёзма манбалар, матн тарихи ва талқини, матн поэтикаси сингари масалалар долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Чунки қўлёзма манбаларни ўрганиш ҳар бир давр ва турли халқлар адабиётшунослиги учун янгидан-янги илмий хулосаларга келиш имконини беради. Аслият матнларини ўрганмасдан туриб, бадиий адабиёт материалининг адабий-эстетик ва илмий қимматини ҳаққоний баҳолаб бўлмаслиги қўлёзма манбаларни, матн тарихи ва талқини масалаларини тадқиқ қилиш заруратини кун тартибига қўяди.

Дунё матншунослигида илоҳий-маърифий манбалар асосидаги сайёр сюжетлар, жумладан “аҳсану-л-қисас” дея таърифланган “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси маълум даражада ўрганилиб келмоқда. Лекин ҳар бир давр тадқиқотчилар олдига ўзига хос илмий муаммоларни қўяди. Уларга тўғри илмий-назарий ечим топиш учун масаланинг илдизига – бирламчи манбалар таҳлилига, ўрганилаётган адабий материалнинг генезиси ҳамда матн юзага келишининг барча жараёнлари тадқиқига эътибор қаратиш алоҳида аҳамиятга эга. “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларни ана шу аспектда ўрганиш матншунослик илми олдига турган муҳим вазифалардандир.

“Матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётган”¹ бугунги кунда “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси генезисини, қўлёзма ва тошбосма манбаларини, қисса сюжети асосида турли шоиру адиблар томонидан яратилган дostonларнинг қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш, бадиий қимматини аниқлаш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Ушбу илмий муаммонинг ҳал этилиши сайёр сюжетлар асосига қурилган бадиий асарлар матнини тадқиқ қилиш, уларнинг аслият ва нашр нусхаларини қиёсий ўрганиш, янги назарий умумлашмаларга келиш учун асос бериши жиҳатидан матншунослик ва адабий манбашуносликда ҳозиргача ҳал этилмаган масалаларга ойдинлик киритиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш –

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. //Халқ сўзи, 2017 йил 25 май.

халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Юсуф ва Зулайхо” қиссаларини ўрганган хорижлик олимлар, хусусан, Ф.Вигурух “Библияда Фаластин, Миср ва Оссуриядаги кашфиётлар”², А.П.Лопухин “Яқинда ўтказилган тадқиқотлар ва кашфиётлар асосида Инжил тарихи”³, Я.А.Богородский “Илоҳий китобдаги улуғлардан Юсуф ҳақида”⁴, Жеймс Кугел “Потифар хонадонида”⁵ китобларида унинг илдизларини, айрим кичик лавҳаларни ҳисобга олмаганда, асосан, илоҳий китоблар билан боғлаганлар. Е.Ярославский, Ф.Сулаймонова тадқиқотларида ушбу туркум дostonлар генезиси Тавротга боғланади⁶. Е.Э.Бертельс тадқиқотларида форсий ва туркий тиллардаги юсуфномалар, улардаги образлар поэтикаси масалалари ўрганилган⁷. Х.Г.Корогли асарларида туркий тилда яратилган юсуфномалар таҳлилга тортилган⁸. Ибн Синонинг “Юсуф қиссаси” асари юзасидан ҳам бир қатор тадқиқотлар яратилган⁹.

Эргашали Шодиевнинг “Ҳозик куллийети” мақоласида шоир Ҳозикнинг айна мавзудаги достони таҳлили берилган¹⁰ бўлса, “Юсуф ва Зулайхо”ни ким ёзган” мақоласида Дурбекка нисбат берилган дostonнинг муаллифлиги

²Vigouroux F. «La Bible et les découvertes modernes en Palestine, en Egypte et en Assyrie», tome II, Paris: Berche et Tralin, 1877 (2-е издание: 1879). – P. 600.

³А.П.Лопухин. «Библиейская история при свете новейших исследований и открытий», Спб.: Тузов, 1889—1895 (т. I, кн. IV — «Иосиф и его время»).

⁴Богородский Я.А. «Об Иосифе, библиейском патриархе», Казань, 1891.

⁵Кугел, Джеймс. В доме Потифара. М.: Текст: Книжники, 2010. – С. 476.

⁶ Бу ҳақда яна қаранг: Ярославский, Ем., Библия для верующих и неверующих, М., ГИПЛ, 1962, стр. 396; “Библия или книга священного писания Ветхого и Нового завета”, М., Синодальная типография, 1986. Стр. 45–69; Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Алишер Навоийга нисбат берилган Париж кўлёмаси ҳақида // Адабий мерос, 1973, №3. Б. 152.

⁷ Бертельс Е. Э. Абул Касим Фирдоуси и его творчество. Л.–М., 1935, С. 61. Е. Э. Бертельс. Избранный труды, т. I. История персидско-таджикской литературы, М., “Наука”, 1960, стр. 232; Навои и Джами, М., “Наука”, 1965 – С. 262; Узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосифе Прекрасном// Дар Альманах. Ташкент, 1944. С. 174.

⁸Корогли Х.Г. Сюжет о Юсуфе о Зулайхе в тюрских литературах//СВ. 1975, № 3

⁹ Ирисов Абдусодиқ. Ибн Синонинг “Юсуф қиссаси”. // Ўзбек тили ва адабиёти // Тошкент: – Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”, 1967. №6 Б. 46-47. Ирисов Абдусодиқ. Ибн Синонинг “Юсуф қиссаси”. // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент: – Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”, 1971. №2. Б. 55. Ирисов Абдусодиқ. Ибн Синонинг “Юсуф қиссаси”. // Ўзбек тили ва адабиёти Тошкент: – Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”, 1971. №3 Б. 59. Ирисов А. Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Фан. 1980. С.Мирзаев. Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида мавжуд асарлари (библиографияси), ЎзФА нашриёти. – Тошкент, 1955. Б 19–20.

¹⁰ Шодиев Эргашали. Ҳозик куллийети. //Ўзбек тили ва адабиёти// Тошкент: – “Фан”, 1971. №2. – Б. 60-61., Б. 21

масаласи кўтарилган¹¹. Асосли илмий далиллар бўлмагани сабабли бу муаммо шу пайтга қадар очиклигича қолиб келмоқда.

Туркий адабиётда юсуфнома туркумидаги илк бадиий асарни ёзган ижодкор сифатида XIII аср бошларида яшаб ижод этган Қул Али эътироф этилади¹². “Қиссаи Юсуф” номли бу дoston XIII асрнинг бошларида дунёга келиб, “булғорлар ва уларнинг аждодлари – Волгабўйи тоторлари ўртасида жуда кенг тарқалган”¹³. Турк олими М.Ф.Кўпрулузоданинг фикрича, Қул Алининг ушбу дostonи илоҳий ишқ талқинига бағишланган¹⁴. К.Қурамбоев ва Б.Карриев тадқиқотларида ушбу мавзу ўзбек-туркман адабий алоқалари контекстида ўрганилиб, Андалибнинг “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси ўзбек адабиётидаги юсуфномалар билан қиёсий таҳлил этилган¹⁵.

Ўзбек адабиётшунослигида Ҳамидулла Кароматовнинг докторлик диссертациясида юсуфномаларнинг адабий-эстетик асоси Қуръони каримга боғланган¹⁶. Қ.Тоҳировнинг туркман шоири Андалиб ва ўзбек адабиёти лирикаси ва “Юсуф ва Зулайхо” дostonи”¹⁷, Ҳилола Сафарованинг Рабғузий “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом” асари манбалари ва ғоявий-бадиий тадқиқига¹⁸, тожик олими Б.Шерназаровнинг Нозим Ҳиротий ва Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonлари қиёсий таҳлили¹⁹ га бағишланган номзодлик диссертацияларида ушбу туркумга кирувчи алоҳида дostonлар тадқиқ этилгани характерлидир. Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси Нажмиддин Комилов²⁰ ва Нурбой Жабборов²¹ томонидан ўрганилган. Ушбу манба профессор Нурбой Жабборов томонидан 2018 йили қўлёзма манбалар асосида тўлиқ нашр этилди²². Юсуфномаларга доир энг сўнгги тадқиқот адабиётшунос Исмат Санаевнинг шу мавзудаги номзодлик диссертацияси асосида нашр этилган “XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити” монографиясидир.

¹¹Шодиев Э. “Юсуф ва Зулайхони ким ёзган?”. Шарқ Юлдузи, 1990, № 7. – Б. 151 – 154.

¹²Хисамов Н.Ш. Поэма “Киссаи Юсуф” Қул Али. – М., 1979. – С. 29–35: Ҳасан Нодирхон. “Қисси Рабғузий”да Юсуф пайғамбар образи талқини. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, 4-сон. – Б. 26-30.

¹³Ҳайдаров С. Ўзбек дунёвий адабиётининг ривожланишида Дурбекнинг роли. Фил.фан. номз... дисс. – Т.: 1962, 89-бет; бу ҳақда яна қаранг: Халиков А.Х. Татарский народ и его предки. –Казань, 1989. С. 109.

¹⁴Кўпрулузода М.Ф. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. – Анқара, 1984. Б. 15

¹⁵Каримбой Қурамбоев. Андалиб ва Фуркат. // Ўзбек тили ва адабиёти // Тошкент: – “Фан”, 1971.№2. – Б. 25; Б.А.Карриев. Навоий ва туркман адабиёти. // Ўзбек тили ва адабиёти // Тошкент: – “Фан”, 1974. №2. – Б. 42.

¹⁶Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Фил. фан. д-ри... дис-яси автореферати. – Тошкент: 1993.

¹⁷Тоҳиров Қ. Туркман шоири Андалиб ва ўзбек адабиёти: лирикаси ва “Юсуф ва Зулайхо” дostonи// Фил.фан.канд.дисс.. – Самарқанд, 1964. – Б. 174.

¹⁸Сафарова Ҳ.А. Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом” асари манбалари ва ғоявий-бадиий таҳлили.Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Самарқанд – 2001

¹⁹Шерназаров Бахриддин. “Юсуф и Зулейха” Назима Хирати и ее сравнение с одноименной поэмой Абдурахмана Джами. – Дисс-я на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Душанбе: ТГПУ, 2003

²⁰Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968.

²¹Жабборов Н. Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” асари туркий таржимасига оид мулоҳазалар. /Абдурахмон Жомий. – Тошкент: Қўлёзмалар институти, 1997, 172 -175-бетлар.

²²Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. /Муҳаббат махзани. (Нашрга тайёрловчи: Нурбой Жаббор. - Тошкент: Тасвир, 2018. – Б. 307-612.

Ушбу монографияда Мирзо Олим Девонанинг “қиссаларнинг энг гўзали” бадий талқинига доир “Равзаи асрор” асари тадқиқ қилинган²³.

Мазкур тадқиқотлардан аксарида “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги асарлар генезиси Тавротга ёки Инжилга боғлаб талқин этилган бўлса, айримлари юсуфномалардан алоҳида биттасининг таҳлилига бағишланган. Улардан баъзиларида юсуфномалар генезисига доир қарашлар тезис тарзида бўлиб, муфассал илмий асослаш мақсади қўйилмаган. Энг асосийси, шу пайтгача юсуфномалар матншунослик ва адабий манбашунослик аспектида тадқиқ қилинмаган. Ушбу тадқиқот юсуфномалар яхлит тизимни ташкил этувчи бадий туркум сифатида бирламчи манбалар асосида тадқиқ этилгани, улар генезисига концептуал ёндашилиб, қиёсий-матний тадқиқи амалга оширилгани билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётшунослиги ва санъатшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг қўлёзма ва тошбосма манбаларини монографик ўрганиш, генезиси ва тадрижини ҳамда қиёсий-матний типологиясини илмий-назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonлар генезисини аниқлаш;
дostonларда сайёр сюжет матнларининг ўзгариш жараёнини илмий текшириш;

юсуфномалар манбаларининг илмий-монографик тавсифини амалга ошириш;

“Юсуф ва Зулайхо” дostonи вариантлари матнларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини қиёсий ўрганиш;

дostonлар образлар тизимидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни асослаш;

юсуфномаларни матн поэтикасига кўра илмий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Огаҳий таржимаси, Дурбек, Мирзо Олим Девона ва Холис қаламига мансуб юсуфнома туркумидаги дostonлар ҳамда Нурмухаммад Андалибнинг ушбу мавзудаги қиссаси олинган.

Тадқиқотнинг предметини “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonлар генезиси, матн тарихи, манбаларнинг илмий-монографик тавсифи, вариантлилиқ, образлар тизими ва матн поэтикаси масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, структурал ва аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

²³СанаевИ. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити. – Т.: Tafakkur, 2009.

“Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг генезиси илоҳий китобларга ҳамда фольклорга асосланиши халқнинг эътиқоди, ахлоқий қарашлари, ишқий-саргузашт дostonларга қизиқиши ва талаби билан боғлиқ экани илмий далилланган;

юсуфномаларнинг қўлёзма ва тошбосма манбалари монографик аспектда ўрганилиб, Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” асари Огаҳий таржимасининг Россия Миллий кутубхонасида сақланаётган ТНС-117, ЎзФА ШИ фондида сақланаётган 7787 рақамли нусхалари, Мирзо Олим Девона “Равзаи асрор” асарининг 1799 ва 1338 рақамли, Андалибнинг “Юсуфу Зулайхойи туркий” асарининг 360 рақамли қўлёзмалари таянч манбалар экани аниқланган;

дostonлар матни қиёсий аспектда вариантлик нуқтаи назаридан ўрганилган; вариантлик муайян асарнинг маълум бир қисминигина ўзгартириш эмас, балки бадий воқеликнинг ғоя, мавзу, талқин, композиция, сюжет, образлар тизими, ижодий услуб ва жанр хусусиятларига кўра ижодий қайта ишланиши экани асосланган;

“Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonлар яхлит тизим сифатида ўрганилиб, образлар силсиласи ва матн поэтикаси масалалари илмий-назарий аспектда ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг матн тарихи ўрганилиб, адабий-эстетик ва маърифий-ахлоқий илдизлари аниқланган;

юсуфномаларнинг бирламчи манбалари қиёсий аспектда ўрганилиб, адабий манбашуносликнинг илмий мезонлари асосида баҳоланган;

“Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг қиёсий-матний тадқиқи амалга оширилиб, матнлардаги тафовутлар, матний нуқсонлар бартараф этилган;

юсуфномаларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларга оид тадқиқотларда эришилган илмий ютуқлар ва назарий фикрларни тўлдиради, матншуносликни манба ва унинг генезиси, матн тарихи, вариантлик, қиёсий-матний таҳлил ҳақидаги назарий қарашлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқотлар учун материал бера олиши, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Матншунослик”, шунингдек, “Адабиётшунослик (ўзбек

адабиёти)» магистратура мутахассислигида “Матншунослик назарияси”, “Адабий манбалар билан ишлаш амалиёти” каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг қиёсий-матний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

матн тарихи, матн танқиди, вариантлилиқ, қиёсий-матний таҳлил сингари назарий истилоҳларга доир илмий хулосалардан; “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonларнинг бадиий тақомили сайёр сюжетга асосланган Лайли ва Мажнун, Хусрав (Фарҳод) ва Ширин, Вомиқ ва Узро, Тохир ва Зухра, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам каби дostonлардан фарқи, улар илоҳий-ирфоний манбаларга асосланиши билан боғлиқ таҳлилий фикрлардан; юсуфномалардаги образлар тизимининг таснифи; етакчи ва ёрдамчи образларнинг асосий хусусиятлари, ижодкорлар асосий ғоя ва мақсадларини Юсуф ва Зулайхо образи орқали ифодалагани билан боғлиқ илмий хулосалардан ОТ-А1-46 рақамли “Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш” (2017-2019) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 89-03-4258-сон маълумотномаси). Натижада қўлёзма адабий манбалар генезиси, бадиий матнни ўрганиш тамойиллари, матн тарихи ва танқиди, қиёсий-матний таҳлил асослари, матн вариантлилиги, поэтик образ ва образлилиқ масалаларига доир назарий қарашлар янги факт ва маълумотлар, янги илмий хулосалар билан бойитилган;

сайёр сюжетлар асосидаги “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonлар ва ушбу поэтик аънананинг замонавий шеърятдаги тадрижга доир илмий маълумотлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиётшунослик ва адабий танқид кенгашининг 2018, 2019 йиллардаги йиллик ва истиқболли режалари ҳамда дастурларини яратишда; Огаҳий ижод мактаби билан 2020 йил ўтказилган маҳорат дарсларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 01-03-07/912-сон маълумотномаси). Натижада юсуфномалар қўлёзма манбалари ва бадиий матн хусусиятлари таҳлил этилиб, уларнинг матн тарихи ва тақомили тамойиллари белгиланган;

Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Огаҳий таржимаси, Дурбек, Мирзо Олим Девона ва Холис қаламига мансуб юсуфнома туркумидаги дostonлар таҳлилига доир материаллардан “O‘zbekiston” телеканалда “Ассалом, Ўзбекистон”, “Ижод маҳсули”, “Бахшиёна”, “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу” ва “Такдимот” номли кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 ноябрдаги 01-13-1042-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларнинг сифати ошиб, замонавий қиссаларнинг миллий маънавиятимизни бойитишдаги ўрнини кўрсатишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 9 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 13 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **““Юсуф ва Зулайхо” дostonлари генезиси ва бадий матн такомилли”** деб номланган биринчи боби дастлабки фасли **““Юсуф ва Зулайхо” дostonлари генезиси”** деб номланган. IX асрдан бошлаб Шарқда “Юсуф ва Зулайхо” сайёр сюжети асосида 150 дан ортиқ дoston ва қиссалар ижод этилди²⁴. Буларнинг энг машҳурлари қаторида Абул Муайяд Балхий, Фирдавсий, Шаҳобиддин Амъак, Шохин Шерозий, Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Масъуд Ироқий, Абдурахмон Жомий ва бошқаларнинг қисса-dostonларини кўрсатиш мумкин. Юқорида зикр этилган шоиру адиблар ўз адабий тажрибалари мисолида “Юсуф ва Зулайхо” сюжетида бадий асар яратишнинг анъанага айланиши учун замин яратдилар.

Туркий адабиётда “Юсуф ва Зулайхо” ҳақида 50 га яқин асар яратилган²⁵. Жумладан, Қул Али (“Қиссаи Юсуф”), Носириддин Рабғузий (“Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом”), Дурбек (“Юсуф ва Зулайхо”), Ҳайдар Хоразмий, Мулла Юсуф Ёркандий, Нозим Ҳиравий, Сайқалий, Хиромий, Салоҳий, Андалиб (“Юсуф-Зулайхойи туркий”)²⁶, Ҳозиқ²⁷ каби ижодкорлар қисса ва дostonлар битганлар.

²⁴История узбекской литературы. В 2-х томах. Том 1. Ташкент, 1987, С.169.

²⁵Короглы Х.Г Сюжет о Юсуфе о Зулайхе в тюрских литературах//СВ. 1975,№ 3

²⁶Андалибнинг бошқа асарлари ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Каримбой Қурамбоев. Андалиб ва Фурқат // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – № 2. – Б. 25. Б.А.Карриев. Навоий ва туркман адабиёти. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1972. – № 2. – Б. 42.

Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган Юсуф ҳақидаги қиссалар генезиси илоҳий китоблар – Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони каримга боғланади. Юсуф а.с. ҳақидаги дастлабки маълумотлар Тавротнинг “Ибтидо” номли биринчи китобида учрайди. Ибтидонинг 30-боби “Юсуф – Роҳиланинг ўғли” қисмида унинг туғилиши, исм қўйилиши ҳақида қисқача айтиб ўтилган, холос. У ҳақидаги асосий воқеалар тизмаси китобнинг 37-бобидаги “Юсуфнинг кўрган тушлари” қисмидан бошланади. Тавротдаги ва туркий юсуфномалардаги туш эпизодлари ўзаро мувофиқ келади. Ижодкорлар шу мавзудаги бошқа манбаларга ҳам мурожаат этиб, янгича ёндашган, сюжетга ўзгартиришлар киритган. Юсуфнинг биринчи туши бундан мустасно. Тадқиқотда ўрганилган юсуфномаларнинг ҳеч бирида Юсуфнинг биринчи туш кўриш воқеаси учрамайди.

Юсуф алайҳиссалом тарихига доир иккинчи илоҳий манба– Забурда аниқ сюжет тилга олинмайди. Мазкур қиссага муайян ишоралар кузатилади, холос. Унда илк бор Юсуф исми 76-санода учрайди:

Ўз халқингни кучли қўлинг-ла озод этиб,
Ёқуб ва Юсуф ўғилларини қутқаргансан.²⁸

Китобнинг шу ва бошқа бобларида ҳам Яъқуб, Юсуф ва унинг оғалари исмлари, улар билан боғлиқ баъзи воқеаларга ишоралар қилинади. Нисбатан кенгроқ маълумот Забурнинг 104-саносидагина учрайди. Унда Худонинг буюклиги, Ўз ваъдасига содиқлиги, бандаларига ғамхўрлиги мадҳ этилади. Бунинг исботи сифатида қаҳатчилик йиллари бошланишидан олдин унга чора сифатида Юсуфни юборгани эслатилади.

Инжилнинг “Исонинг насабномаси” қисмида унинг аждоди сифатида Яъқуб ва Яхудо исмлари зикр этилган. Тўрт китобчанинг бошқа ўринларида ҳам фақат шу исмлар билан боғлиқ баъзи ишоралар учрайди. Лекин улар билан боғлиқ бирор воқеа-ҳодиса тилга олинмайди.

Юсуфномаларнинг илоҳий манбалари ичида Қуръони карим алоҳида ўрин тутади. “Аҳсан ул-қисас”²⁹ дея таърифланган қисса Қуръони каримнинг “Юсуф” сураси асосида шаклланган. Юсуфномаларнинг илҳом манбаи ушбу сура ҳисобланиши сабаблари: **биринчидан**, Шарқ халқлари асосан ислом динига эътиқод қилиб, хоҳ маданий-маиший, хоҳ ижтимоий-сиёсий масалаларда Қуръони каримга таянган. **Иккинчидан**, мазкур сурада исломий эътиқод ва ахлоқ масаласи асосий ўринни эгаллайди. Унга кўра, бошига ҳар қандай кулфат тушганда, инсон ёлғиз Аллоҳдан нажот кутиши, Унинг мададига ишонмоғи ва сабрли бўлмоғи қиссанинг бош ғоясини ташкил қилади. Ушбу қисса жуда кўплаб шоирларни илҳомлантирган. “Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки “Юсуф” сураси ўзининг мукамал таълифи билан ажралиб туради ва бир қиссадек ўқилади. У инсон ҳаётининг пасту

²⁷ Бу ҳақида қаранг: Шодиев Эргашали. Ҳозик қуллиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – № 2. – Б. 60-61.

²⁸Инжил. Б. 204

²⁹ Юсуф ҳақидаги илк насрий қисса муаллифларидан Абдуллоҳ Ансорий “Бу муборак суранинг ўн номи бор”лигини айтади. Қаранг: Рустамов Э.Р. Некоторые вопросы сравнительного изучения узбекской литературы XV века с другими восточными литературами (тюрские и персидско-таджикская). ДД. Москва-Ташкент, 1966. –С.682

баландларини акс эттириши билан барча одамлар фикрини ўзига жалб эта олади”.³⁰ **Учинчидан**, сурада фақат исломий маърифат ва ахлоқ масаласигина эмас, балки дунёвий, яъни ижтимоий-маиший ишларга ҳам диққат қаратилган. **Тўртинчидан**, бутун дунё халқларининг ишқий-саргузашт дostonларга қизиқиши ва талаби катта экани, ушбу қиссада Миср ҳокими бўлмиш Қитфийнинг хотини Зулайхо образи, унинг Юсуфга ошиқ бўлиши ва висолга эришиш йўлида хатти-харакатлари бошқа манбалардагидан кўра анча мукамал ёритилган. Бу эса, ўз навбатида, барча қиссагўй шоирларнинг эътиборини жалб қилувчи яна бир омилдир.

Маълумки, Юсуф ҳақидаги қиссанинг туркий халқлар адабиётида шаклланишига асос солган шоир сифатида XIII аср бошларида ижод этган Қул Али эътироф қилинади³¹. Унинг “Қиссаи Юсуф” дostonи XIII аср бошларида дунёга келиб, “булғорлар ва уларнинг аждодлари – Волгабўйи татарлари ўртасида жуда кенг тарқалган”³². М.Ф.Кўпрулузоданинг қайдларига қараганда, Қул Алининг ушбу дostonида илоҳий ишқ тасвирлари ўз аксини топган.³³ Қул Алидан сўнг бу қиссага Носируддин Рабғузий қўл уриб, уни такомилга етказди. “Қисаси Рабғузий” мумтоз адабиётимиз тарихидаги юсуфномалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Чунки, биринчидан, асарнинг ички тузилиши ва сюжет чизиғига эътибор қаратилса, муаллиф ҳар бир воқеа-ҳодисани бир нечта варианты билан бирга келтиради. Рабғузийнинг айнан мана шундай йўл тутиши кейинчалик “Юсуф ва Зулайхо” дostonларининг насрий ва назмий йўлда кўплаб вариантлари юзага келишига замин яратди. Иккинчидан, асар таркибидаги муаллиф қаламига мансуб лирик кечинмалар, яъни илоҳий-тасаввуфий руҳда битилган туркий ва арабчадан таржима қилинган шеърий парчаларнинг истифодаси кўпчилик қиссагўй-шоирлар, айниқса, тасаввуф адабиёти вакилларининг илҳом манбаига айланди. Уларни ушбу мавзуда асарлар яратишга чорлади.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **““Юсуф ва Зулайхо” дostonларининг ғоявий-мавзувий тараққиёти”** деб номланган. Юсуф ва Зулайхо ҳақида битилган қисса-dostonлар сайёр сюжетга асосланган бошқа, яъни Лайли ва Мажнун, Хусрав (Фарҳод) ва Ширин, Вомиқ ва Узро, Тоҳир ва Зухра, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам каби афсоналар билан бир хил тараққиёт босқичига эга эмас. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” ҳақидаги дostonлар “Юсуф ва Зулайхо”дан кўра анча эркин тарзда ривожланган. Бироқ Юсуф қиссасининг такомил “Юсуф” сураси таъсири доирасида кечди. Даврлар ўтиши билан мазкур қисса сюжетида дунёвий руҳ устунлик қила борди. Дурбек дostonи бунинг исботидир. Ушбу дostonни ўрганиш ва муаллифини Дурбек деб эътироф этиш, ёзилган вақтини 1409-1410 йил деб ҳисоблашдан бошланган³⁴. Бу фикр, айрим мунозаралар билан бўлса ҳам, давом этиб

³⁰Ҳамидулла Кароматов. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 62–63.

³¹Нодирхон Ҳасан. “Қисаси Рабғузий”да Юсуф пайғамбар образи талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960. – № 4. – Б. 26–30; Хисамов Н.Ш. Поэма “Қиссаи Юсуф” Кул Али. М., 1979. С. 29–35.

³²Ҳайдаров С. Ўзбек дунёвий адабиётининг ривожланишида Дурбекнинг роли:Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1962. – Б. 89. Бу ҳақда қаранг: Халиков А.Х. Татарский народ и его предки. Казань, 1989. С. 109.

³³Кўпрулузода М.Ф. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. – Анкара, 1984. – Б. 15

³⁴ Қаранг: Фитрат, Ўзбек адабиёти намуналари. – Тошкент, 1928.

келмоқда³⁵. Халқ оғзаки ижоди бу дoston учун маънавий ва бадий манбалардан бири бўлди, унинг ғоявий-бадий қимматини, халқчиллик руhini оширди. Бу дoston китобхонни нафақат пайғамбарлар ҳаёти ва уларнинг кўрган-кечирганлари, балки XV аср Ўрта Осиё ҳаёти, теурийларнинг ўзаро тож-тахт кураши билан ҳам таништиради. Е.Э.Бертельс айтганидек, шоирнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи, қадимги дунё воқеаларининг романтик тасвири орқали янги тарихий шароитнинг реал манзарасини чизган уйғониш давридаги итальян рассомларининг асарларига ўхшайди³⁶.

Ижодкор ўз асари орқали ҳаётни, унинг ноз-неъматларини севишга, ҳар қандай қийинчиликларни сабр-матонат ва ақл-идрок билан енгишга ундайди. Ушбу ғояни муаллиф асарда иштирок этувчи ҳар бир қахрамон мисолида кўрсатиб берди. Жомий ва Олим Девонада асосий образ Юсуф эмас, балки Зулайходир. Улар тасаввуф адабиётининг вакиллари бўлгани боис асарининг ҳар бир эпизодида ушбу таълимот таъсири сезилиб туради. Бу дostonларда Зулайхо ҳақиқий ишққа етгунича азоб-уқубатга тўла машаққатли йўлни босиб ўтади. Дурбек дostonи бошқа юсуфномалардан дунёвий ва илоҳий маърифат талқини уйғунлашгани билан фарқ қилади.

Шарқ адабиётида яратилган “Юсуф ва Зулайхо” дostonлари қиёсий ўрганилганда, улар ғоявий жиҳатларига кўра икки турга: 1) ишқий-тасаввуфий ва 2) ишқий-саргузашт дostonларга бўлинади. Абдурахмон Жомий ва Олим Девона Самарқандий дostonлари кўпроқ ишқий-тасаввуфий сифати билан характерланади. Ҳозиргача бу туркум дostonлар худди шу жиҳатларига кўра илмий тадқиқотлар доирасига тортилмаган. Кўпроқ уларнинг анъанавий ота ва фарзанд ҳамда муҳаббат мавзусига кўра гуруҳларга ажратиш ҳолати кузатилади. Адабиётшунос Абдулҳамид Қурбоновнинг “Юсуф ва Зулайхо” қиссасининг ижодий талқинлари” мақоласида айтилишича, XV асрдан бошлаб Юсуф қиссаси анъанавий тарзда ва соф ишқий дoston сифатида талқин этиб келинади. Олим шу жиҳатни эътиборга олиб, Юсуф қиссасининг кўп сонли поэтик версияларини эпик тасвир характериға кўра икки гуруҳга бўлади:

1. Юсуф ва Яъқуб, яъни ота ва ўғил муносабатларини тасвирловчи асарлар;

2. Зулайхонинг Юсуфга бўлган эҳтиросли муҳаббати тасвирланган асарлар³⁷.

Шунга кўра, Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайхо”, Алининг “Қиссаи Юсуф”, Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуфи Сиддиқ алайҳиссалом”, Авҳадий Балёнийнинг (XVII аср) “Юсуф ва Яъқуб” асарлари биринчи гуруҳга мансубдир³⁸. Улардаги талқин Қуръондаги қисса билан ўзаро муштарак. Иккинчи гуруҳга мансуб асарларда эса асосий масала Зулайхонинг Юсуфга

35Фозилов Э, Лапасов Ж. “Юсуф ва Зулайхо” дostonи ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – № 1.

36Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 329.

37Қурбонов А. Юсуф ва Зулайхо қиссаларининг ижодий талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 49.

38Бертельс Е. Э. Абул Касим Фирдоуси и его творчество. Л.– М., 1935. – С.61.

бўлган ишқидир. Абдурахмон Жомий ва Олим Девоналар томонидан яратилган дostonлар, юқорида қайд этганимиздек, иккинчи гуруҳга мансуб асарлар сирасига киради. Чунки уларда асосий эътибор икки қалб ўртасида кечадиган муносабатга, изтиробларга тўла эътиросли муҳаббатга қаратилади. Ушбу дostonнинг асрлар оша севиб ўқилиб келинаётганига яна бир муҳим сабаб ҳам унда гўзал ишқ қиссасининг қуйланишидир.

Нурмухаммад Андалиб “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси орқали даврнинг мудҳиш манзаралари, муаммоларини акс эттирди. Шоир анъанавий сюжетни ўз даври талабларига, ғоя-мақсадларига мослаган ҳолда қайта ишлади. Муаллиф ўзининг келажакка доир ўй-фикрлари, адолатли жамият ҳақидаги қарашлари, ўзаро меҳр-оқибат, пок ва самимий муҳаббат тўғрисидаги ҳис-туйғуларини асардаги ҳар бир эпизод, ҳар бир образ моҳиятига жо қилди. Дostonдаги фантастик тасвирий воситалар, қахрамонликлар, воқеа ичида воқеа ҳосил қилиш ҳолатлари, туш кўриш ва севиб қолиш, ҳайвонларга забон бериш, ҳақни ноҳақдан ажратиш кўрсатиш каби мотивлар ижодкорнинг халқ оғзаки ижодидан кенг кўламда фойдаланганини кўрсатади. Холиснинг бу мавзуга муружаати Андалиб асари билан уйғун. У дostonни замондошларининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб яратган. Холис ўз асарида инсон ҳуқуқлари масаласига, адолатли ва фаровон ҳаёт ҳақидаги ғояларга жиддий эътибор қаратади. Миср шоҳи Райён ва Юсуф образлари айна шу ғояларни илгари сурувчи образлар ҳисобланади. Ижодкор бу образларни адолат ва халқпарварликнинг рамзи сифатида тасвирлади. Холис дostonи бошқа юсуфномалардан ғоявий мазмуни, халқчиллиги ҳамда тасвир усулининг соддалиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг иккинчи боби **““Юсуф ва Зулайхо” дostonларининг манбалари ва матн хусусиятлари”** деб номланган. Унда ушбу туркумга доир дostonлар манбаларининг илмий-монографик тавсифи ва юсуфномалар вариантларининг матн хусусиятлари ёритилган. Бобнинг **““Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonлар манбаларининг илмий-монографик тавсифи”** деб номланган биринчи фаслида юсуфномалар матни илмий-монографик жиҳатдан таҳлил этилди. Манбанинг тўлақонли таҳлилисиз бадий обиданинг қимматини аниқлаш имконсиздир. Матншунос Нурбой Жабборов фикрича: “...адабиётимизнинг ҳар бир йирик намояндаси ижоди мисолида муҳим назарий муаммо саналган *матн тарихи* масаласи жиддий тадқиқ этилиши зарур. Бусиз матншунослик ривожини тасаввур ҳам этиб бўлмайди”³⁹. Рус матншуноси Д.С.Лихачев матн тарихини ўрганишнинг аҳамиятини қуйидагича таъкидлайди: “*Матн тарихи* тушунчаси муайян асарнинг барча масалаларини қамраб олади. Асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишгина бизга асар матн тарихини том маънода кашф этиш имконини беради”⁴⁰. Матн

³⁹Жабборов Н.Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари / “Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари” мавзuidaги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2016. – Б. 99.

⁴⁰Лихачев Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург: Алетейя, 2001. – С. 90.

тарихини ўрганишга замин тайёрлаш учун, биринчи навбатда, кўлёманинг илмий-монографик тавсифини амалга ошириш талаб этилади. Матншунос Шухрат Сирожиддиновнинг: “Матн тарихини ўрганиш кўлёмма асарнинг мавжуд нусхаларини қиёслашдан бошланади. Кўлёмма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланади”⁴¹, деган фикри ҳам буни тасдиқлайди.

Шунга кўра, диссертацияда “Юсуф ва Зулайхо” туркумидаги дostonлар кўлёммалари илмий тавсиф этилди. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима этилган ва унинг еттита кўлёмма нусхаси мавжуд. Улардан биттаси Россия миллий кутубхонаси кўлёммалар фондида (ашё рақами: ГНС-117), қолган олтитаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида 7787, 809, 6728, 1231, 9576, 9983 рақамлари билан сақланади: Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтидаги мазкур асар кўлёммаларининг барчаси бир хил бошланиб, бир хил якунланган. Ушбу кўлёммаларнинг тавсифи улар ҳақидаги энг асосий маълумотларни ўз ичига олгани билан эътиборга моликдир.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **“Юсуф ва Зулайхо” дostonи вариантларининг матний-қиёсий таҳлили**” деб номланиб, унда Юсуф ва Зулайхо ҳақида туркий адабиётда яратилган дostonларнинг композицияси ҳамда улардаги тафовутлар, шунингдек, асарлар матни қиёсий таҳлил этилган. Мусулмон Шарқи халқлари адабиётида энг кўп мурожаат қилинган сюжет “Юсуф ва Зулайхо”дир. Бу сюжет асосида яратилган асарлар замон ва макон нуқтаи назаридан жуда узоқ давр ва кенг географик ҳудудга тегишлилиги, шунингдек, турли тоифа ва табақага мансуб муаллифлар иштироки боис турли ғоявий мазмун, хилма-хил бадиий талқин ҳамда кўринишларда намоён бўлган. Баъзан ҳикоят, баъзан қисса, баъзида эса дoston бўлиб шаклланган Юсуф ва Зулайхо мавзуси халқ орасида кенг ёйилиб, сеvimли асарга айланди. Ўша юсуфномаларни шаклий аломатларга кўра, икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга мансуб ижодкорлар ушбу анъана асосида дostonлар яратдилар. Булар Абулқосим Фирдавсий, Қул Али, Шайход Ҳамза, Дурбек, Абдурахмон Жомий ва Олим Девонадир. Иккинчи гуруҳ ижодкорлар насрий асарлар яратиш билан юсуфномага сайқал беришди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Абу Али ибн Синонинг “Қиссаи Юсуф”⁴², Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом”, Андалибнинг “Юсуф ва Зулайхо”ларини айтиш мумкин. Мазкур қиссаларга ҳар бир шоир ва ёзувчи ўз дарди, ғоявий нияти, илоҳий-ирфоний тафаккури, ижодий-ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб муносабатда бўлган. Санаб ўтилган юсуфномалар ўқувчига қадим тарих ҳақиқатларини англатади. Булар ичида Абдурахмон Жомий, Дурбек, Мирзо Олим Девона ва Холис асарлари дoston, Нурмуҳаммад Андалиб асари қисса жанрида яратилган бўлиб, улар муайян хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Номлари зикр этилган

⁴¹Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18.

⁴²Қаранг: Ирисов А. Ибн Синонинг “Юсуф” қиссаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. 6-сон. –Б. 46-47; шу муаллиф. Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Фан, 1980; С.Мирзаев. Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида мавжуд асарлари (библиографияси). -Тошкент: Фан, 1955. – Б 19–20.

адиблар ўз адабий тажрибалари мисолида Юсуф ва Зулайхо кечинмалари асосида йирик ҳажмли асар яратишнинг анъанага айланиши учун замин яратдилар. Маълумки, барча ижодкорлар Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги ривоятлар асосида янги бир асар яратишга киришганда улар ҳақидаги асосий воқеалар силсиласига таяниб иш кўради. Унга ўз ижодий мақсадлари натижасида бир қанча ўзгартиришлар киритади. Асосий воқеалар силсиласи қуйидагиларда намоён бўлади: 1) Яъқуб ўғиллари ичида Юсуфнинг отасига энг суюкли фарзанд бўлиши ва бундан ака-укалар ўртасида адоват пайдо бўлиши; 2) Юсуфнинг келажагидан башорат қилувчи туш воқеаси⁴³; 3) Юсуфнинг биродарлари томонидан чоҳга ташланиши ва Мисрга қул қилиб сотилиши; 4) Юсуфнинг Зулайхо билан учрашуви ва улар ўртасидаги ишқий саргузаштлар; 5) Юсуфнинг Мисрда шон-шуҳрат топиши ва тахтга ўтириши.

Абдурахмон Жомий етилигининг учинчи достони бўлган “Юсуф ва Зулайхо” 1483 йилда ёзилган бўлиб, кучи билан алоҳида ажралиб туради. Сюжет чизиқлари мураккаблашмаган, ифода услуби енгил, тили содда, бадиияти юксак. Бунинг сабаби асарнинг етилик таркибида берилгани бўлса керак. Ҳажм жиҳатдан ҳам (58 бобдан иборат), воқеалар ривожини нуқтаи назаридан ҳам бу асар бошқа юсуфномалардан фарқ қилади. Анъанага кўра, асосий воқеалар бошланишидан олдин дoston бошида қуйидаги бобларга ўрин ажратилган: 1) Аллоҳга ҳамд; 2) ул хожа наъти шаънидадурким, хатмлиғ хотами онинг ангуштида ва хотамлиғ муҳри онинг пуштида хувайдодур, алайҳи мина-с-салоти афзалиҳа ва минат-тахиййати акмалиҳа; 3) ул ҳазрат меърожи васфидаким, рафиъу-д-даражот зу-л-арш офтобидин соядур. Ул ҳазрат қадри уружлариға аълои аршидин то тахти фарш поя; 4) тазарруъдорлик либосин киймакнинг таҳрири ва шафоат таврини иқтибосиға кўшиш қилмоқ таҳрири; 5) ул султон мадҳидаким, “ас-султонун таназзалу-ламан” мужибинча онинг мадҳи зиндагонлик хушлиғининг замонидур, модихнинг ва орзулари қувватининг амони. Асарда юқоридаги беш бобдан сўнг Юсуф алайҳиссаломга бағишланган боб келади, асосий воқеалар шундан кейин бошланади. Дурбек ва Олим Девона ҳам дostonлари мукаддимаси ҳам шу тартибда. Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonига эргашиб, шу номда асар яратган ижодкорлар талайгина. Улардан энг машҳури Нозим Ҳиротий “Юсуф ва Зулайхо”си бўлиб, Жомий ва Ҳиротийнинг дostonлари қиёсий ўрганилган⁴⁴. Олим Девона ҳам, ўз дostonини бошқа номда яратса-да, Жомийга эргашади. Буни муаллифнинг қуйидаги сатрларидан ҳам билиб олиш мумкин:

Навҳи ҳақиқат аро дарёи жарф,
Ҳазрати Жомий шаҳи иклими сарф.
Сўз дурига ул берибон интизом,
Боғлади мазмуниға мундоқ низом.⁴⁵

⁴³Ишқий туркумдаги дostonлар аксар ҳолларда туш кўриш воқеаси билан бошланади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. Тошкент: Фан, 1985. - Б.65

⁴⁴Шерназаров Б. “Юсуф и Зулейха” Назима Хирати и ее сравнение с одноименной поэмой Абдурахмана Джами. – Дисс-я на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Душанбе: ТГПУ, 2003.

⁴⁵Мирзо Олим Девона. Равзаи-асрор, ЎзФАШИ, қўлёзмалар фонди, №1338. Б. 29^а.

Жомийдаги боблар Олим Девонада ҳам мавжуд. Бироқ у дostonга яна кўшимча тарзда тўрт халифа ва Самарқанд мадҳига бағишланган яна икки бобни киритади. Дурбек эса қисқагина уч боб, яъни Худога ҳамд, ҳазрати пайғамбар наъти ва “Китоб назмининг ибтидоси”га бағишланган боблардан сўнг асосий воқеалар тасвирига ўтади. Бу хусусият Нурмуҳаммад Андалиб ва Холис асарларида ўзгача кўриниш олган. Маълумки, Андалиб ўз асарини насру назм тартибида яратган. Шу боис қиссининг ҳамд қисми ҳам бошқа ижодкорлардан фарқ қилади. Муаллиф ҳамд қисмини назм йўлида битиб, унда қиссининг ёзилиш сабаблари ва ўз таржимаи ҳолига оид маълумотларга ҳам ўрин беради. Холис ҳам “Юсуф ва Зулайхо” дostonини ёзишга киришганда, аввало, ўз ижоди, ҳаёти ва яратган асарларини ёритишга жазм қилади. Ундан сўнг Худога ҳамд, Муҳаммад алайҳиссалом ва Яъқуб пайғамбар наътини бирлаштириб, қисқагина, аниқроғи ўн байтдан иборат саловат келтиради. Шундан сўнг асосий воқеалар тасвирига ўтилади.

Барча ижодкорлар асосий воқеаларни, аввало, Яъқуб алайҳиссалом ва унинг фарзандларини таништиришдан бошлайди. Бундан фақат Огаҳий таржимаси мустасно. Чунки у воқеалар ривожини Юсуфнинг гўзаллиги таърифидан бошлайди. Унда айтилишича, Одам алайҳиссаломга фалақдан парда очилиб, бутун авлодларини кузатиш имкони берилган экан. У авлодлари бўлмиш анбиёлар ҳаётини доимий кузатиб боради. Юсуф алайҳиссалом дунёга келганда, уни кўрган Одам Ато Аллоҳдан Юсуфда бу ҳусну жамол қандай зоҳир бўлганини сўрайди. Барча дostonларда сюжет чизиғи Юсуф ҳақидаги асосий воқеалар силсиласи каби ривожланиб боради. Бироқ баъзи ижодкорлар, хусусан, Абдурахмон Жомий ва Мирзо Олим Девона бу анъанага ўзгартириш киритади. Улар асарларида баъзи воқеалар ва лавҳаларнинг ўрин алмашуви кузатилади. Масалан, Зулайхо билан боғлиқ воқеаларга асарнинг бошидаёқ кенг ўрин ажратилган. Жумладан, Огаҳий таржимасида Яъқуб ва унинг ўғиллари таништирилган бобдан сўнг Зулайхонинг сифати, насл-насаби ҳақидаги маълумотларни акс этган “Зулайхонинг сифат ва насабига жамоли офтоби била мағриб машриқ бўлган, балки минг даража ондин ўтган” сарлавҳали боб келтирилган.

Холис қиссасида эса юқоридаги учта асарнинг синтезини кўриш мумкин. Яъни унда Андалиб асаридаги каби бир қанча воқеалар бўлиб ўтгач, Юсуф қарвон билан Миср элига қадам кўяди. Шундан кейин Зулайхо баёнига ўтилади. Жомий ва Олим Девона дostonларидаги каби Зулайхо Юсуфни уч бор тушида кўргандан сўнггина маҳбуби ким ва қаерда экани ойдинлашади. Бу ўринда Холис юқоридаги қиссаларга шунчаки эргашмай, балки унга янгича тус беришга ҳаракат қилади. Холис бошқа шоирлардан фарқли равишда бир хилликдан қочиб, лавҳани анча бойитишга эришган. Эътиборли жиҳати шундаки, у ҳар бир тушни тасвирлаётганда оралиқ вақт билан бирга Зулайхонинг ёшини ҳам кўрсатиб боради. Лавҳаларни тасвирлашда аниқликка интилиш Холис асарининг хос хусусиятидир.

Таврот ва Қуръон, ҳатто, Рабғузий асарида ҳам Зулайхонинг тушлари тўғрисида бир оғиз сўз айтилмаган. Бундан англашиладики, туш эпизоди Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги ривоятларнинг йиллар давомида ижодкорлар

томонидан қайта-қайта ишланиши натижасида юзага келган. Дурбек бу масалада ҳам ўз услубига содиқ қолади. Зулайхо ва у кўрган туш воқеаси қисқагина, аниқроғи бир боб ва биргина туш мисолида тасвирланади. Асарлардаги яна бир муҳим фарқли жиҳат уларнинг кульминацион нуқтаси ва ечимида кўринади. Юсуфномалар композициясига, сюжет чизмасига диққат қилинса, кўп ўринларда юқорида каби турли тафовутлар учрайди. Маълум бир воқеа бир ижодкор асарида муфассал тасвирланса, бошқа ҳодисалар кейинги ижодкор асарида ёркинроқ ифодаланади.

Диссертациянинг учинчи боби **““Юсуф ва Зулайхо” дostonларининг образлар тизими ва поэтик-қиёсий таҳлили”** деб номланиб, унда юсуфномалардаги етакчи ва эпизодик образлар табиати ҳамда ушбу асарларда акс этган поэтик тасвир услуби қиёсий тадқиқ қилинган. Бобнинг биринчи фасли **“Дostonлар образлар тизимининг таҳлили”**га бағишланган. Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги қисса ва дostonларда ижодкорларнинг ғоя-мақсадларини юзага чиқарувчи етакчи образлардан ташқари, кўплаб қисқа эпизодларда намоён бўлувчи тимсоллар ҳам бор. Ўз ўрнида, улар муайян ғоя ва мақсадни равшан ифодалашга ҳисса қўшади. Шу жиҳатдан, уларни икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Дostonлардаги етакчи образлар: Яъқуб, Юсуф ва Зулайхо. Иккинчи гуруҳга эса Юсуфнинг оға-инилари, Жаброил, Доя, Миср Азизи, Молики Райён, Молики Тожир ва бошқа образлар киради. Асарда илгари сурилган ғоя таҳлилида ижодкорлар анъанавий образлардан ташқари янги образларни ҳам киритганлар. Шу боис ҳар бир дostonда образлар кўлами турлича.

Дostonларда Яъқуб пайғамбар – марказий образлардан бири. Деярли барча воқеалар айнан шу образ билан боғлиқ ҳолда кечади. Жумладан, ака-укалар ўртасидаги зиддиятлар, фарзандларнинг кўрган-кечирганлари, умуман, асарнинг тугуни ва ечими шу образ – Яъқуб билан узвий алоқада берилган. Шунингдек, ота ва фарзанд, ака-укалар ўртасидаги муносабатлар, улар билан боғлиқ саргузаштлар негизи ҳам ушбу образга бориб тақалади. Юсуфномаларда Яъқуб образини яратиш билан боғлиқ икки жиҳат – ижобий ва салбий хусусиятлар бадиий талқин этилган. Бироқ қиссаларда мазкур тимсолнинг салбий жиҳатларига эмас, балки ижобий томонларига кўпроқ урғу берилган. Юсуфномаларнинг барчасида Яъқуб, аввало, пайғамбар, яъни инсониятни ҳақ йўлга, ҳидоятга бошловчи сиймо сифатида тасвирланади. У комил ахлоқ эгаси, камтарлик ва меҳнатсеварликни ўзига одат қилган шахс, фарзандларини ҳам шунга ўргатган ота қиёфасида намоён бўлади.

Қисса-дostonлар воқеалари ривожидида асосий образлар билан ёнма-ён иштирок этувчи тимсоллар катта гуруҳни ташкил қилади. Қиссалардаги ушбу образларнинг воқеалар ривожидидаги ўрни бирдай эмас. Уларнинг баъзилари асар воқеалари давомида бир неча бор иштирок этса, баъзилари маълум бир лавҳадагина қатнашади. Шундай бўлса-да, мазкур тимсоллар ҳам асар сюжетида сезиларли таъсир кўрсатган. Аксар қиссаларда учрайдиган бўри образи бунга мисол бўла олади. У воқеалар давомида фақат бир ўринда эпизодик тарзда иштирок этади, холос. Ушбу тимсол баъзи ижодкорларда боласидан айрилган бўри (Рабғузий, Олим Девона) сифатида намоён бўлса,

бошқаларида (Дурбек, Андалиб ва ҳ.з) инисидан, биродаридан айрилган, уни излаб азоб чеккан дарбадар бўри қиёфасида кўринади. Мазкур образ мисолида ижодкорлар олдиндан Яъқуб тақдири ва унинг ўғли Юсуф билан боғлиқ воқеаларга, уларнинг бошига тушажак айрилиққа ишора қилади.

